
ТУМАНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ.

Данғара тумани марказида жойлашган Маданият маркази саройида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган тадбир ташкил этилди.

Унда туманнинг ҳар бир сектори кесимида ахоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида фаолият олиб бораётган ўқув марказлари битирувчиларининг кўргазмали намойиши ўтказилди.

Қиска вақт ичида тикувчиликнинг ўзига хос сир синоатларини қунт ва сабр билан мукаммал ўзлаштирган 15 нафар хотин қизларга сертификатлар топширилди.

Тадбирда иштирок этган Вилоят ҳокимининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Т.Тожиева ва Данғара тумани ҳокими Ш.Тожихакимовлар сўз олиб, бугунги тадбирнинг долзарблиги ва ахамиятли жихатлари ҳакида такидлаб ўтишди.

З ой мобайнида касб-ҳунар сирларини намунали ўзлаштирган 5 нафар битирувчиларга “Турон” ўқув марказида доимий ишлаш учун йўлланмалар ҳам тантанали равишда топширилди.

Тадбир давомида бугун у ёки бу сабаб билан уйда бекор ўтирган, касбга ўқитиш марказлари таклифини асоссиз рад этаётган хотин-қизлар ушбу марказларда қайта ўкиб, доимий иш ўрнига эга бўлишлари мумкинлиги тарғиб қилинди. Шу куннинг ўзида тадбирга ташриф буюрганлардан 17 нафар опа-сингилларимиз тикувчи бўлиш истагини билдирилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-06-19 18:26:01